Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 14 июль, № 147 (7927) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июль куни рақамли технологияларни жорий этиш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари изчил ривожлантирилиб, аҳолига қулайликлар кенгайтирилмоқда. Бугунги кунда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 253 хил хизмат кўрсатилмоқда. Жорий йилда уларни яна 60 тага кўпайтириш, 50 дан ортиқ хизматларни соддалаштириш мўлжалланган.

Энг муҳими, бу ишлар сансалорлик, бюрократия ва коррупцияни камайтириб, вақт ва маблағларни тежаш, унумдорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги Фармони билан "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси тасдиқланган эди. Ушбу стратегияга мувофиқ, 2020 — 2022 йилларда ҳудудлар ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари амалга оширилмоқда. Жумладан, тармоқлар бўйича 443 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, бугунги кунгача 194 таси татбиқ этилди. Ҳудудларда дастурдаги 1 минг 643 та лойиҳадан 1 минг 172 таси жорий қилинди.

Мисол учун "Ўзтрансгаз"да шартномаларни бошқариш бўйича ахборот тизими жорий этилгани натижасида харажатлар 30 миллиард сўмга қисқарган. Шунингдек, 360 турдаги давлат божларини Ягона электрон биллинг тизими орқали тўлаш йўлга қўйилгани ҳисобига 24 миллиард сўм маблағлар тежалган.

Умуман, жорий йилнинг биринчи ярмида рақамли иқтисодиёт соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 7 триллион 200 миллиард сўмни, компьютер дастурлаш хизматлари экспорти 17 миллион 500 минг долларни ташкил этган.

Лекин бу соҳада ривожланишдан ортда қолаётган тармоқ ва ҳудудлар ҳам бор. Рақамлаштириш рейтинги 65 та ташкилот, 116 та туман ва шаҳарда ишлар суст ташкил этилганини кўрсатмоқда.

Тақдимотда давлатимиз раҳбари лойиҳаларни жадаллаштириш, ҳудудларда электрон хизматлар қамровини кенгайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

— **Охирги йилларда қилинган ишлар, албатта, ўз натижасини берди, хизматлар қулай ва одамларга яқин бўлди. Лекин рақамли технологиялар кун сайин ўзгариб, янги-янги имкониятлар очилмоқда. Шунинг учун ҳар бир вазирлик, давлат органи ва ҳудудларда янги дастурларни жорий этиш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Рақамли иқтисодиёт хизматларини 16 триллион сўмга, компьютер дастурлари экспортини 40 миллион долларга етказиш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Мобиль илова орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини 100 тага етказиш, хусусан, коммунал соҳа, кадастр, солиқ, божхона, пенсия ва меҳнатга оид маълумотларни олишда қулайликларни ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга вазир портали, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари порталларини шакллантириш, улардаги маълумотларни мунтазам таҳлил қиладиган тизим яратиш бўйича топшириқ берилди.

"Алоқабанк" акциядорлик тижорат банкига мижозлар учун барча хизматни мужассамлаштирган ягона платформа яратиш, ахборот технологиялари соҳасидаги стартап лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Давлат ва хўжалик органлари ходимларининг рақамли технологиялар бўйича саводхонлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби фазилатларни қарор топтиришдаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни **20 июль — сешанбага** тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил **20 июль** куни Қурбон ҳайити байрами этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ–6122-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ПФ–6222-сон Фармони билан 2021 йил **21-22 июль кунлари ҳам дам олиш кунлари** сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайитини **карантин талабларига амал қилган ҳолда** халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда оила даврасида ўтказиш афзаллиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 июль

Тошкентда 15-16 июль кунлари бўлиб ўтадиган *"Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар"* мавзуидаги юқори даражадаги халқаро конференция жаҳон ва маҳаллий эксперт-таҳлил доираларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

«Халқ сўзи» учун махсус

Тошкент конференцияси минтақавий ўзаро боғлиқлик ва ижтимоий-иқтисодий интеграциянинг юксак даражасига эришишда улкан қадамдир

Фарид Шофиев,
Озарбайжон халқаро муносабатларни таҳлил қилиш маркази бошқарувининг раиси:

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни фаоллаштиришга интилмоқда. Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар, жумладан, Афғонистондаги воқеалар минтақага ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё тараққиётига халал бериши мумкин бўлган салбий воқеликларни бартараф этиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қатъий интилмоқда.

Тошкент конференциясини интиқлик билан кутяпман. Ушбу форумда биз дунё институтлари вакиллари, халқаро экспертлар ва ўзбек ҳамкасбларимиз билан Марказий Осиёдаги бугунги вазият, мавжуд муаммоларни қандай ҳал этиш ва минтақадаги ҳамкорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалаларини муҳокама қилиш имкониятига эга бўламиз.

Маҳмуд ул-Ҳасан Хон,
Покистон глобал ва стратегик тадқиқотлар марказининг Экспертлар кенгаши аъзоси:

— Ўзбекистан — Марказий Осиёнинг том маънодаги марвариди. Мамлакат Жанубий Осиё минтақаси ва ундан ташқарида ижтимоий-иқтисодий, геосиёсий ҳамда геостратегик интеграцияга эришиш учун ташқи самарали алоқаларни ўрнатишга астойдил интилмоқда.

Ўзбекистон тизимли иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг аниқ стратегиясини жорий қилиш орқали иқтисодиётда салмоқли натижаларга эришди. Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича халқаро конференция якунлари бўйича бундай мувафқиятлар янада мустаҳкамланишига ишонаман. Мазкур форум минтақавий боғлиқлик ва ижтимоий-иқтисодий интеграциянинг энг мақбул даражасига эришиш йўлида улкан қадам бўлади.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида ҳар жиҳатдан қулай ҳамда боғловчи бўғин, энг оддий ва қисқа йўналишга эга бўлган Покистон Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари, айниқса, Ўзбекистон билан дипломатик муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрмоқда.

Конференция ва Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида биз янги савдо битимлари имзоланишини, Покистон — Ўзбекистон ҳукуматлараро қўшма комиссияси ва Покистоннинг жуда кўп сонли салоҳиятли сармоядорлари ҳамда бизнесменлари иштирокида ўтадиган бизнес форумининг ижобий якунларини кутмоқдамиз.

2

ЖАНУБИЙ ОСИЁ САРИ ЙЎЛ

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ҚАНДАЙ МАНФААТ ОЛИБ КЕЛАДИ?

Бугун Ўзбекистоннинг очиқ ташқи сиёсатида нафақат қўшни мамлакатлар, балки қўшни минтақалар билан яқинлашиш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Бу жиҳатдан Жанубий Осиё йўналиши биз учун, айниқса, аҳамиятли. Зотан, мазкур минтақа бой ички салоҳияти (инсон капитали, табиий ва молиявий ресурслари, иқтисодий

Бизнинг интервью

ўсиш динамикаси), халқаро сиёсий майдонда ўзига хос ўрни ҳамда жаҳон бозорларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга. Бундай ҳолатдан Марказий Осиё давлатлари қаторида Ўзбекистон ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши мумкин. Ҳарқалай мамлакат раҳбариятининг амалдаги саъй-ҳаракатлари айнан шунга қаратилган.

Охирги вақтда Покистон Ислом Республикаси билан икки томонлама алоқалар сезиларли равишда жонлангани фикримизга яққол мисол. 2021 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини қуришга келишиб олди. 14 апрель куни мамлакатимиз Президенти Покистон Бош вазири Имрон Хон билан онлайн форматда мулоқот қилиб, савдо, инвестициявий, транспорт ҳамда транзит йўналишларидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашди.

Бундай ҳамкорликнинг истиқболлари хусусида минтақавий эксперт, сиёсатшунос Фарҳод Мирзабоев билан суҳбатлашдик.

— **Жанубий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Айтингчи, нега мазкур минтақа билан яқинлашишга ҳаракат қилинмоқда?**

— Жанубий Осиё географик жиҳатдан Марказий Осиёга ниҳоятда яқин. Масалан, Термиз шаҳридан Покистоннинг Карачи портигача 660 километр йўл босиш кифоя. Бу, ҳатто мамлакатдаги бир шаҳардан иккинчи шаҳаргача бўлган масофадан ҳам кам. Шу нуқтаи назардан, Покистон йўналиши Марказий Осиёдан Ҳинд океанига олиб борувчи энг қисқа йўл эканини қайд этиш жоиз.

Денгиз портларига чиқиш ҳамда бу бўйича қулай транспорт коридорларини яратиш Ўзбекистон учун стратегик вазифа. Бусиз дунё билан савдо-сотиқ қилиш, миллий маҳсулотларнинг ҳамёнбоплигини таъминлашимиз, экспорт салоҳиятимизни ошириб, иқтисодий тараққиёт сари илдамлашимиз қийин.

Яқин-яқингача Афғонистон ва Покистонга фақат таҳдид манбаи сифатида қараларди. Улардан имкон қадар узоқлашиш, барча даражадаги алоқаларни формал тусда олиб бориш тенденцияси мавжуд эди. Бироқ 2016 йилда Ўзбекистон бу масалага ёндашувини кескин ўзгартирди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан тарихда биринчи маротаба қўшни Афғонистонни имкониятлар мамлакати, дея эътироф эта бошладик.

Аввалроқ Ҳиндистон билан икки томонлама ҳамкорликни кучайтирган Ўзбекистон Эроннинг Чобаҳор портигача чўзилган Мозори-Шариф — Ҳирот темир йўли қурилишидан манфаатдорлигини билдирганди. Эндиликда Покистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш асосида мамлакатимиз яна бир йирик транспорт-логистика лойиҳаси — Пешоварга олиб борувчи трансафғон темир йўли қурилишига бош қўшмоқда.

2

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси:

ЯРИМ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан "Парламент фаолияти: 2021 йил 6 ойлик якунлари бўйича энг муҳим натижалар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуман

Анжуманда қайд этилишича, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ қилишга кўмаклашиш борасида Қонунчилик палатаси томонидан тизимли ишлар йўлга қўйилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш, шу жумладан, коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш, санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўламини янада кенгайтириш, айниқса, қишлоқлар ҳамда маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби устувор вазифаларнинг бажарилиши устидан таъсирчан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти қабул қилинаётган қонунларнинг мамлакатда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига бевосита таъсирини янада кучайтиришга йўналтирган ҳолда ташкил этилди.

2

ЁШЛАР — КЕЛАЖАК «ДРАЙВЕРЛАРИ»

УЛАРДА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА.

Нуқтаи назар

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти илму маърифат ва инновацияларга асосланади. Бугун мана шу тамойил асосида жамиятнинг ҳар бир жабҳасида туб ўзгаришлар рўй беряпти.

Мазкур прогрессив тенденцияни давлатимиз томонидан олиб борилаётган ёшлар сиёсати мисолида ҳам яққол сезиш мумкин. Президент деярли ҳар бир чиқишида, халқ билан мулоқотида бу масалага алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас.

*Яқинда Ёшлар куни муносабати билан "Учинчи Ренессанс бунёдкорлари" шиори остида ўтказилган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида давлатимиз раҳбари иштирок этиб, йигит-қизларга қарата шундай мурожаат қилди: "Мен ҳар гал сизлар билан учрашганимда, **"Илмни қадрланг, илмга интилинг!"** деган сўзларни такрорлашдан асло чарчамайман:*

Ўзингиз кўряпсиз, дунёда ўқиган, замонавий илм ва ҳунарларни пухта эгаллаган, ёш авлодини айни шу руҳда тарбиялаган халқлар, давлатлар жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон ёшлари ҳам ана шундай юксак даражаларга кўтарилиши учун биз албатта барча имкониятларни ишга соламиз".



4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 14 июль

ЖАНУБИЙ ОСИЁ САРИ ЙЎЛ

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ҚАНДАЙ МАНФААТ ОЛИБ КЕЛАДИ?

1 Ўзбекистон раҳбариятининг денгиз йўлларига чиқувчи транспорт йўналишларини диверсификациялаш сиёсати ортида, авваламбор, иқтисодий манфаат ётибди. Жанубий Осиё минтақаси билан яқинлашишимизнинг асл сабаби ҳам шунда. Бунга рахна солиши мумкин бўлган стереотиплардан эса воз кечишнинг пайти келди. Дейлик, Афғонистондаги нотинчлик ёки Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги таранг муносабатларни баҳона қилиб, улар билан ҳамкорликдан тийилаверсак, фақат ютқазамиз. Ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам муроса йўлини тутиш зарур.

Дунёга назар солинг. Уруш-жанжалдан боши чиқмайдиган Африка мамлакатларида хорижий компаниялар йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширяпти-ку. Натижада йирик ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектлари қурилиб, ерости бойликлари қазиб олинмоқда. Кўряпсизми, иқтисодий манфаат бор жойда ўзаро келишиб олинса бўлади. Ташқи сиёсатда ҳам шундай.

Нега Ўзбекистон Афғонистонга ёрдам қўлини чўзяпти? Тўғри, афғонлар бизга биродар халқ. Аммо бу юртнинг уруш туфайли йиллар давомида ишга солинмай келган улкан салоҳияти ҳам мавжуд. Шу жумладан, транспорт ва транзит соҳаларида. Бундай имкониятдан фойдаланишимиз керак, албатта! Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий манфаатларига жавоб берадиган трансафғон транспорт йўлакларининг қурилиши Афғонистонга ҳам катта фойда келтиради. Сабаби ҳозир мамлакатнинг транспорт инфратузилмаси “ўлик” аҳволда — на тузук автомобиль йўллари, на темир йўл ётқизилган. 2011 йилда Ўзбекистон Мозори-Шарифгача темир йўл қуриб берди, бу ўзаро савдо ҳажмининг муттасил ортишига хизмат қилмоқда. Бироқ биз учун янги борзорларга чиқиш ҳам муҳим. Хусусан, жанубий йўналишда Афғонистондан транзит мамлакат сифатида фойдаланиш айни муддао.

Умуман олганда, Афғонистоннинг халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар тизимига қўшилишидан Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари манфаатдор.

— Бугунги кунда Покистон билан ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланмоқда. Бу мамлакат биз учун қайси жиҳатлари билан қизиқ?

— Юқорида айтганимдек, Ўзбекистон, асосан, Покистоннинг денгиз портларидан фойдаланишни мақсад қилган. Чунки у ердан дунёнинг бошқа минтақаларига йўл очилади. Бу экспорт салоҳиятимизни ошириш учун ниҳоятда муҳим.

Пешоваргача тортиладиган трансафғон темир йўлининг узунлиги, айтайлик, амалда фойдаланилаётган Эрон йўналишидаги темир йўл магистралига қараганда анча қисқа бўлиб, юк ташувлари нархини каррасига арзонлаштириш имконини беради. Шу билан бирга, вақт ҳам тежалади.

Лекин айни ҳолатда бир жиҳатни эътиборга олиш керак. Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар транспорт коридори қурилиб, Покистон портларигача энг қисқа йўл очилган тақдирда ҳам, бу ҳали Ҳиндистон ва у орқали дунёдаги бошқа минтақа бозорларига чиқдик, дегани эмас. Сабаби Покистон ҳамда Ҳиндистон ўртасида жиддий зиддиятлар мавжуд. Кўп йиллик низолар туфайли икки мамлакат бир-бирига савдо-иқтисодий тўсиқлар қўйишга ҳаракат қилмоқдаки, бу ҳамкорларни ҳам қийин вазиятга солиб қўяяпти.

Масалан, Покистон Афғонистондан келаётган юкларни ўз ҳудуди орқали Ҳиндистон чегарасигача олиб ўтишга рухсат беради, аммо Ҳиндистондан товар олиб киришни тақиқлаб қўйган. Бундай чеклов келгусида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонга муаммо туғдириши мумкин. Ваҳоланки, Жанубий Осиёдаги асосий савдо ҳамкоримиз Ҳиндистон ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Пешоваргача темир йўл ётқизилгач, эҳтимол Ўзбекистон Ҳиндистон бозорига чиқиш учун Покистон билан қўшимча келишувга эришишига тўғри келар. Ёки бу масалани халқаро тузилмалар, масалан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳал қилишнинг иложи топилади. Чунки Марказий ва Жанубий Осиёни бир-бири билан боғлайдиган транспорт коридоридан фойдаланиш барча томонга иқтисодий самара келтиради.

Ўз навбатида, 200 миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган Покистон ҳам йирик истеъмол бозори ҳисобланади. Расмий маълумотларга қараганда, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 123 миллион долларга етди. Фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, қоғоз ҳамда чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида қўшма лойиҳаларимиз бор. Бироқ Покистоннинг ички бозорини ҳали обдан ўрганмаганмиз. У юртга қайси турдаги маҳсулотларни ва қандай ҳажмда экспорт қилиш мумкинлигига доир аниқ ҳисоб-китоблар йўқ. Яқинда бўлиб ўтган онлайн саммит давомида икки мамлакат раҳбарлари бизнес доиралар ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш масаласига урғу бергани бежиз эмас.

Покистоннинг инвестиция киритиш салоҳияти Ҳиндистончалик эмас. Шунга қарамай, мамлакат ишбилармонлари ўзлари учун анъанавий бўлган соҳалар, масалан, тўқимачилик ёки мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича ўзбек ҳамкорлари билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириши мумкин.

Покистонда қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик саноати ривожланган. Ўзбекистонда ҳам бу икки йўналишга устувор аҳамият қаратиляпти. Ўйлайманки, Покистонга ўзбек текстилини катта муваффақият билан экспорт қила олмаган тақдиримизда ҳам унинг ривожланган транспорт-логистика инфратузилмаси миллий брендларни дунё бозорларига тез ва қулай тарзда етказишда ниҳоятда асқатади. Чунки Покистонда турли минтақаларга, хусусан, Европа ва Америкага юк ташиш тизими яхши йўлга қўйилган.

Покистон Марказий Осиё давлатлари иштирокида амалга оширилаётган бир қанча халқаро инвестиция лойиҳалари бенефициари ҳисобланади. Трансафғон газ қувури (ТАПИ) ҳамда жанубий йўналишга электр энергиясини етказиб бериш линияси шулар жумласидан.

Покистоннинг ҳарбий салоҳияти тўғрисида ҳам унутмаслик керак. Мамлакат ичидаги сиёсий ва этник зиддиятлар, қўшни Афғонистон ҳудудидан доимий хавф туғдириб турувчи жангари гуруҳлар, шунингдек, Ҳиндистон билан узоқ йиллик совуқчиликка сабаб бўлган чегаравий муаммолар Покистон ҳукуматини мудофаа масаласига доимий ва жиддий эътибор қаратишга ундамоқда. Мамлакатнинг терроризмга қарши курашиш бўйича тажрибаси Ўзбекистон учун, айниқса, аҳамиятли. Қолаверса, бугунги кунда томонлар минтақавий хавфсизлик соҳасида ҳам ҳарбий алоқаларни кучайтиряпти. Буни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги умумий саъй-ҳаракат сифатида баҳолаш мумкин.

Зиёрат туризми мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади. Покистон — мусулмон мамлакат. Бу юрт вакиллари ислом оламининг буюк пешволари яшаб ўтган Ўзбекистоннинг муқаддас қадамжоларини тавоф этишга ҳамиша шай. Покистон фуқароларига виза бериш тартибининг енгиллаштирилиши эвазига сайёҳлар оқими бирмунча ортди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Карачига мунтазам авиақатновлар қайта тикланди. Умумий дин, тарих, исломий қадриятлар халқларимизни бир-бирига яқинлаштирувчи муҳим омиллардир. Улардан сиёсий мулоқот жараёнида — икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш йўлида ҳам фойдаланиш айни муддао.

— Ўзбекистон Покистон йўналишидаги трансафғон темир йўли қурилишига катта аҳамият қаратмоқда. Бу улкан лойиҳа Марказий Осиёнинг халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга янада чуқурроқ интеграциялашувини таъминлайди. Бироқ унинг истиқболига шубҳа билан қараётган экспертлар ҳам бор. Сизнинг фикрингиз қандай?

— Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар транспорт коридори Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга йўналиш эканини юқорида ҳам қайд этдим. Янги темир йўл тўлақонли ишлаши учун, шубҳасиз, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига эришиш зарур. Бироқ ҳозирча бунинг чораси топилмаяпти.

Бошқа томондан Жанубий Осиё билан савдо-иқтисодий ҳамкорликка доир режа-мақсадларимизга, ҳадеб афғон факторини тўсиқ қилиб кўявериш нотўғри. Аҳоли салмоғи йил сайин ўсиб бораётган Ўзбекистон иқтисодий юксалиши учун турли мамлакат ҳамда минтақалар билан ташқи савдони ривожлантириши керак. Транспорт-коммуникация тизимларисиз буни амалга ошириб бўлмайди. Шу туфайли Марказий ва Жанубий Осиёни бир-бири билан боғлайдиган энг қисқа йўл қурилишини пайсалга солиб бўлмайди. Ахир Ўзбекистон келгусида Эрон портларига олиб чиқадиган Мозори-Шариф — Ҳирот темир йўлидан фойдаланишни мақсад қилган-ку. Ваҳоланки, бу магистраль ҳам Афғонистон ҳудудидан ўтади. Тўғри, Пешоваргача темир йўлни, асосан, тоғли рельефлардан ётқизиш керак, шу боис у техник жиҳатдан бир оз мураккаб лойиҳа ҳисобланади. Аммо нима бўлганда ҳам, истиқболда у ўзини тўлиқ оқлашига ишончим комил.

Иккинчи масала маблағ билан боғлиқ. Ҳозир на Ўзбекистон, на Покистон трансафғон темир йўли қурилишини молиялаштира олмаслиги ойдек равшан. Мазкур ҳолатда фақат халқаро молиявий ташкилотларнинг ёрдамига таяниш мумкин. Бироқ Ўзбекистоннинг ташқи қарзни бўйнига илишидан мантиқ йўқ. Сабаби биз Афғонистонгача темир йўлни қуриб бўлганмиз. Покистон ҳам бундай рискка бориши амримаҳол.

Хўш, унда ечим қаерда? Мана шу ўринда минтақамизда ўз таъсирини тобора кучайтиришга интилаётган қудратли давлатларнинг геосиёсий манфаатларидан келиб чиқишга тўғри келади.

АҚШнинг Афғонистондаги ҳарбий миссияси якунланяпти. Лекин у Марказий Осиё республикаларининг транспорт-логистик жиҳатдан ташқи сиёсий рақиблари — Россия ва Хитойга қарам бўлиб қолишини хоҳламайди. Шу нуқтаи назардан, Пешоваргача темир йўл қурилишини қўллаб-қувватлаши мумкин. Лойиҳага Жаҳон банки қизиқиш билдирганининг ўзи ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон учун транспорт йўналишларини диверсификациялаш ҳаёт-мамот масаласидир. Зотан, юк ташувларида муқобил йўналишлар қанчалик кўп бўлса, мамлакатда танлаш ҳамда транзит тарифлари бўйича манфаатли келишувларга эришиш имкони пайдо бўлади. Ҳозир Осиё ва Европа бозорларига айланма йўллар — Қозоғистон ҳамда Россия орқали чиқишга мажбурмиз. Бу эса ортиқча харажат дегани. Натижада маҳсулотларимизнинг нархи анча қимматлашиб, рақобатбардошлиги пасаймоқда. Шунинг учун ҳам ҳозир Ҳинд океанига чиқадиган трансафғон темир йўлига эҳтиёжимиз катта.

— Расмий Ташкент Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича жадал саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Покистон билан ҳамкорлигимиз бу масалада қанчалик қўл келади?

— Афғонистон масаласида Ўзбекистон ҳамда Покистоннинг позицияси бир хил. Иккала мамлакат ҳам қўшниси ўзига тўқ ва осойишта бўлишини хоҳлайди. Жорий йилнинг 14 апрель куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон видеоконференция форматида учрашганида ҳам шу масалани муҳокама қилди. Афғон заминида уруш тўхтамаса, мамлакатларимиз хотиржам бўлолмаслиги қайд этилди.

Қўшни юртда тинчлик ҳамда барқарорлик ўрнатиш Ўзбекистон ва Покистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Мамлакатларимиз бу борада бир-бирига ёрдам беришга, халқаро майдонда якдил позицияни ифодалашга тайёр.

Бир неча йил аввал Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистоннинг расмий ҳукумати ва “Толибон” ҳаракати вакилларини Тошкентга таклиф қилиб, ўзаро музокара олиб бориши учун шароит яратиб берганди. Уруш гирдобида қолган афғон халқига имкон қадар ёрдам беришга, ижтимоий, маданий, маърифий алоқаларни тиклашга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир Афғонистондаги барча оппозицион кучлар юртимизга ҳурмат билан қарайди.

Ўз навбатида, Покистон ҳам толибонлар билан музокаралар олиб бормоқда. Расмий Исломобод мазкур сиёсий гуруҳга муайян даражада таъсирини ўтказа олади. Бироқ Покистон ва Афғонистон ўртасида чегаравий низолар мавжуд. Афғон ҳукумати Британия империяси даврида белгилаб берилган ҳамда пуштун халқини иккига ажратиб юборган Дюран чегара чизиғини ҳалигача тан олмаган. Қолаверса, Покистон Афғонистоннинг Ҳиндистон билан сиёсий ёки иқтисодий масалаларда яқинлашувига тиш-тирноғи билан қарши. Мана шундай мураккаб вазиятда Ўзбекистоннинг тинчликпарвар позицияси томонларни муросага келтиришга хизмат қилса, ажаб эмас.

Наргиза УМАРОВА суҳбатлашди.

Тошкент конференцияси минтақавий ўзаро боғлиқлик ва ижтимоий-иқтисодий интеграциянинг юксак даражасига эришишда улкан қадамдир

1

Манабу Симизи, Япония ривожланаётган иқтисодиётлар институти фахрий профессори:

— Кўп йиллардан буён Японияннинг ривожланаётган иқтисодиётлар институти ҳамда бошқа олий ўқув юртларида Жанубий ва Марказий Осиё давлатларини чуқур ўрганиб келаман. Тажрибамга асосланган ҳолда шуни айтишим мумкинки, Жанубий ва Марказий Осиё қадимдан бир-бири билан ўзаро боғланган яқин ҳудудлар ҳисобланган. Шунга қарамай, турли замонавий глобал муаммолар, жумладан, Афғонистондаги сиёсий беқарорлик икки минтақа ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг вақтинча узилишига сабаб бўлди.

Шу аснода Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва унинг Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Афғонистон билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш сиёсати ўзаро ҳамкорликнинг янги муҳитини яратди. Бу эса жуда долзарб ҳамда ўз вақтида амалга оширилган ташаббус бўлди. Ишончим комилки, ушбу ташаббусларни амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этиш шунчаки осон иш эмас. Унга эришиш йўлида жиддий қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Аммо бу кейинчалик ҳар икки минтақанинг барқарор ривожланиши учун яхши имконият яратади.

Шунингдек, Тошкент халқаро конференцияси иштирокчиларига Жанубий ва Марказий Осиё минтақалари ўртасида янги алоқаларни йўлга қўйиш йўлидаги дадил қадамни босиб, истиқболли ғоялардан фойдаланган ҳолда масалаларни муҳокама қилиш имконини беришига умид билдираман.

Ишончим комилки, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро манфаатли мулоқотнинг янада кенгайиши минтақаларнинг жаҳон миқёсида, жумладан, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳамда Яқин Шарқ давлатлари билан алоқаларнинг ривожланишига ҳам хизмат қилади. Шу жиҳатлардан мазкур анжуманнинг ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этади.

«Дунё» АА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси:

ЯРИМ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

1 Бунда, айниқса, Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган олти ой мобайнида 35 та қонун қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди. Шундан 17 та янги қонун, 12 та яхлит қонун, 3 та жамлама (16 та қонун лойиҳасини ўз ичига олган) қонун ҳамда 3 та халқаро шартнома ва битимларни ратификация қилишни назарда тутувчи қонундир.

Қўмиталар томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ҳамда қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириш доирасида 23 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Улардан 11 таси қонунлар ижросининг бориши, учтаси Давлат бюджети ижроси, биттаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ҳамда қарорларининг ижроси ҳолатини ўрганишга қаратилган.

Мазкур назорат-таҳлил тадбирлари давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан қонунлар ва қонуности ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиниши устидан парламент ҳамда депутатлар назоратини ўрнатиш имконини бермоқда.

Қонунчилик палатасининг янги чақириқ депутатлари иштирокида ўтказилган илк ва янги форматдаги матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоблар берилди.

Матбуот анжуманида “Кун.уз” мухбири Илёс Сафаровнинг бугунги кунда депутатларнинг ҳукуматдаги лоббистларга шериклиги тўғрисида берган саволига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алишер Ҳамроев қуйидагича жавоб берди:

— Лоббистларга депутатларнинг шериклиги масаласи дунё амалиётида бор тушунча. Айрим Европа давлатларида бу очиқ йўлга қўйилган. Аммо бизда ҳали ончалик ривожланмаган. Сабаби лоббизмнинг кучайиб кетишига йўл қўймаслик чоралари белгилаб қўйилган. Бизда бир-бирига қарама-қарши партиялар фаолият кўрсатади. Масалан, “Миллий тикланиш” партиясининг асосий рақиби, бу — либераллар. Либераллар олиб чиққан ёки маъқуллаган қонунга эса “Миллий тикланиш” партияси жуда синчковлик билан қарайди. Ҳар иккала томон қонунларга нисбатан ўз платформаси, уставидаги ғояларни киритишга ҳаракат қилади. Бунга эса ҳар иккала томон ҳам бирдек қаршилик кўрсатишга интилади. Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида қўмиталарга қайтарилаётган қонунлар бунга яққол мисол бўла олади.

“Азон.уз” мухбири Нурбек Гофуров эса ислом молияси талабларини қонунларимизга жорий этиш юзасидан қандай ишлар олиб борилаётгани билан қизиқди. Бунга жавобан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Абдурасулов мамлакат иқтисодиётига исломий молиялаштириш талабларини жорий этиш масаласи “Миллий тикланиш” партиясининг сайловолди дастурига ҳам киритилганини таъкидлади.

— Ўзбекистонда аҳолининг 90 фоиздан ортиғи ислом динига эътиқод қилади, — деди Ж. Абдурасулов. — Улардан 20 фоизи эса ўз эътиқоди туфайли анъанавий банк хизматларидан фойдаланмайди. Аммо ислом молиясини мамлакатимизда жорий этиш юзасидан дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Айрим тижорат банкларида ислом дарчалари фаолияти йўлга қўйилган. Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасига “Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси келиб тушди. Унда исломий молиялаштириш принципларига асосидаги муносабатлар белгиланган. Лойиҳа биринчи ўқишда кўриб чиқилди, айни пайтда қўмиталарда қайтадан ўрганилмоқда.

Илк маротаба янги формат ва кенг доирада ташкил этилган матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олдилар.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

Фикр

Маълумки, наркологик ёрдам соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, мамлакатимизда наркологик касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика ишларини кучайтириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикасининг “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонуни 2020 йил 27 октябрда имзоланган.

Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилмоқда

Таъкидлаш жоизки, юртимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларини ратификация қилган. Ташкилотнинг маълумотларига кўра дунёда 27 миллиондан ортиқ одамлар гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Уларнинг аксариятини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан зиёд кишилар ҳаётдан кўз юмади. Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик оғир ҳамда ўта оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Ачинарлиси, наркологик касалликка чалинган шахс касали хуруж қилиб, руҳиятига салбий таъсири бошланган ҳолларда нафақат ўзига, балки атрофдагиларга, оила аъзоларининг ҳаётига, соғлиғига зарар етказиб қўйиши, баъзи ҳолатларда эса жиноятга ҳам қўл уриши мумкин. Албатта, бу тоифадаги инсонлар наркология мутахассислари томонидан рўйхатга олиниб, мунтазам даволаниб туради.

Умуман олганда, республика бўйича наркологик касалликка чалинган шахслар 5 мингдан ортиқ бўлиб, уларнинг ихтиёрий даволаниши учун вилоятлар кесимида 1 минг 36 та ўрин (койка), мажбурий даволанишлари учун 875 та ўрин мавжуд.

“Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-бобида наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш масаласи тартибга солинган бўлиб, унга мувофиқ наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан мажбурий даволаш ички ишлар органларининг аризасига кўра наркология муассасаларининг, наркологик касалликка чалинган шахс оила аъзоларининг ёки қариндошларининг илтимосномалари асосида суднинг қарорига биноан қўлланилади.

Қайд этиш жоизки, наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан мажбурий даволаш тартиби Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган. Бироқ ушбу тартиб Фуқаролик процессуал кодексида ўз аксини топмаган. Шунга кўра амалиётда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган шахсларни ғайриихтиёрий тартибда наркология муассасасига ётқизишда муаммолар учрамоқда.

Айнан шу каби масалаларни амалиётда ўрганиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзолари ташаббуси билан Олий, жиноят ҳамда фуқаролик судлари, Ички ишлар, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари вакиллари иштирокида Тошкент шаҳар наркологик диспансерида амалий тадбир ўтказилди.

Унда наркодиспансер мутахассислари томонидан иштирокчиларга наркологик касалланган шахсни даволаш тартиби, унга даволаниш муддатларини белгилаш мезонлари, касални даволаниш муассасасига олиб келиш босқичлари беморларнинг касаллик варақаси амалиётида тушунтириб, кўрсатиб берилди.

Амалиёт шуни кўрсатдики, ҳозирда наркологик касалликка чалинган шахслар ўз хоҳиши билан ихтиёрий равишда даволаниши мумкин. Атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган, жамоат тартибини бузаётган, бир йил ичида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ мажбурий даволанишга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган шахслар суднинг қарори билан мажбурий даволанади.

Айтайлик, наркологик касалликка чалинган шахснинг ўзи даволанишни хоҳламайди, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир қилмаган, лекин вақтида даволанмаса унинг соғлиғига ва руҳиятига жиддий зарар етиши, натижада юқорида қайд этилган салбий ҳолатлар юз бериши мумкин. Мана шуларнинг олдини олиш мақсадида наркологик касалликка чалинган шахсни ғайриихтиёрий тартибда даволаш тўғри бўлади.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳар наркологик диспансеридаги ижтимоий, иқтисодий ҳолат ўрганилганда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 3 июлдаги 272-сонли буйруғи, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 октябрдаги қарорида белгиланган вазифа ва талаблар амалга оширилмаганлиги ҳамда 2020 — 2022 йилларда аниқ маблағлари белгиланган наркологик хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг бинолари ҳамда хоналарини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ишлари киритилган инвестиция дастури бандлари ҳам бажарилмаганлиги аниқланди.

Хусусан, Тошкент шаҳрида қиймати 12,0 миллиард сўмга тенг наркологик диспансернинг янги корпуси қурилиши ҳали бошланмаган. Худди шундай ҳолатни Сурхондарё (8,5 млрд. сўм), Наманган (4,52 млрд. сўм), Жиззах (4,0 млрд. сўм), Хоразм (15,0 млрд. сўм), Андижон (20,0 млрд. сўм), Самарқанд (12,0 млрд. сўм) вилоятлари мисолида ҳам келтириш мумкин.

“Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасида таклиф этилаётган янги нормалар юқорида келтирилган ҳуқуқий, иқтисодий муаммолар ечимига асос бўлади.

Гулрўх АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

СЕНАТОРЛАР МУРОЖААТЛАРНИ ЖОЙИДА ЎРГАНМОҚДА

Шу кунларда парламент юқори палатаси аъзолари Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва кўриб чиқилган масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот ишларини амалга ошириш, Сенатнинг тегишли қарорларида белгиланган топшириқлар ижросини ўрганиш, бу борада маҳаллий Кенгашларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда фуқаролар мурожаатлари билан жойида ишлаш мақсадида ҳудудларда бўлиб турибди.

Юзма-юз мулоқот

Хусусан, Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев Хоразм вилоятида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари билан учрашди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган учрашувда сенатор яқинда эълон қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун, Президентимизнинг "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз юритди.

Мулоқот чоғида ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар халқимиз манфаати учун хизмат қилиши ва жойларда улар ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаоллик кўрсатиши зарурлиги таъкидланди.

* * *

Тошкент вилоятида сенаторлар Қутбиддин Бурҳонов ҳамда Малика Қодирхонова, вилоят прокуратураси, солиқ бошқармаси вакиллари ҳамда вилоят Кенгаши котибияти мудири, шунингдек, бошқа мутасаддилар иштирокида фуқаролар учун сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда вилоят ҳудудларидан келган 14 нафар фуқаро муаммолари кўриб чиқилди.

Мурожаатлар, асосан, моддий кўмак, ер ажратиш, ҳудудлардаги судлар қарорларига эътироз, соликдан қарздорлик, канализация тизими ва коммунал хизматда учраётган муаммолар ҳамда бошқа масалалардан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

* * *

Сенаторлар Рисқул Сиддиқов ва Нусрат Пардаев бир қатор мурожаатлар юзасидан Жиззах вилоятининг Зомин туманида бўлиб, фуқаролар билан юзма-юз учрашди.

Улар дастлаб "Ширин" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Небўса қишлоғида яшовчи Иномжон Анорбоев хонадонида бўлди. Болаликдан ногиронлиги бўлган бу фуқаро вилоят онкология диспансери назоратида туради ва мунтазам даволаниб келади. У Сенатга ўзига доимийлик асосида ногиронлик гуруҳи белгиланишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Суҳбат асносида мурожаатига амалий кўмак бериш бўйича тегишли чора-тадбир кўрилди ва мурожаат жойида ҳал этилди.

Шундан сўнг сенаторлар туман фаоллари билан биргаликда 3-сектор ҳудудига қарашли Даштобод шаҳридаги "Бахт" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Зайниддин Йўлдошевнинг хонадонига борди.

Мурожаатчи маҳалла аҳолиси ичимлик сувидан қийналиб келаётганини билдирган бўлиб, ушбу масала мутасаддилар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмаслиги, аксинча ҳар томонлама таҳлил қилиниб, тегишли чоралар кўрилиши айтилди.

* * *

Сенатор Манзура Салимова Қува тумани сектор раҳбарлари, туман Кенгаши депутатлари ва фаоллар билан учрашди.

Унда яқинда қабул қилинган бир қатор қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Учрашув доирасида ҳудудда "темир дафтар", "аёллар дафтари" ҳамда "ёшлар дафтари" доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб чиқилди ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Олий Мажлис Сенатига фуқаролар томонидан қилинган мурожаатлар ҳудудларда мутасадди раҳбарлар билан биргаликда жойида ўрганилиб, уларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди.

«Халқ сўзи».

КАМЧИЛИКЛАР АМАЛИЁТДА ТЎПЛАНГАН ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М. Абдусаломов бошқарган ушбу мажлисда тарафлар — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда Вазирлар Маҳкамаси вакиллари ва адлия вазирининг ўринбосари иштирок этди.

Конституциявий суд мажлиси

Суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 43 ҳамда 47-бандларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53 ва 54-моддаларига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги мурожаати кўриб чиқилди.

Конституциявий суд "Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 43 ва 47-бандларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, деб топди.

Айни пайтда Низом нормалари амалда қўлланилиши жараёнида айрим давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан, шунингдек, олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг розилигини олиш имкони бўлмаганда (келишувга эришилмаганда) улар билан ташаббускор ўртасидаги низо суд тартибида ҳал қилинишида расмиятчилик ҳамда бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланди.

Жумладан, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 24 майдаги КҚ-225-IV-сонли "Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига мувофиқ Тошкент вилоятида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлари таъминланиши ҳолатини ўрганиш натижаси ҳақида"ги қарорида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер майдонларини олиб қўйишда ёки бузилган тураржойлар учун компенсация тўловларининг тўланишида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги қайд этилган. Бундай камчиликлар ҳамда инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари бошқа айрим ҳудудларда ҳам мавжуд эканлиги аниқланди.

Шунингдек, Омбудсманнинг Конституциявий судга мурожаатида кўрсатилган фуқароларнинг судга қилган мурожаатлари асосида кўрилган ишларнинг таҳлили бу борада суд амалиётида ҳам муайян муаммолар борлигини кўрсатади.

Конституциявий суд амалиётда тўпланган тажрибалар асосида ва йўл қўйилаётган камчиликларга тўлиқ барҳам бериш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрлангани ҳамда умумхалқ муҳокамасига қўйилганлигини инобатга олди.

Конституциявий суд томонидан Вазирлар Маҳкамасига юқоридаги Низомда қўлланилган айрим тушунчаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда Уй-жой кодексининг 27-моддасига олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати компенсация қилиб берилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан паст бўлган ҳолларда, ушбу фарқ ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси томонидан қайтарилмаслигини назарда тутувчи ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш тавсия этилди.

Шунингдек, Конституциявий суд қарорида Ўзбекистон Республикаси Олий судига ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши билан боғлиқ низоларнинг ҳал қилиниши бўйича суд амалиёти ҳақида судларга тегишли тушунтиришлар беришни назарда тутувчи Пленум қарорини қабул қилиш зарурати юзага келаётганлиги бўйича тавсия берилди.

Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимликларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига, шунингдек "Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида"ги Низом қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ДИНИЙ МАТЕРИАЛЛАР ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИЛАДИ

Бу соҳага оид нотўғри ахборотлар кўпайиб бораётган ҳозирги даврда ниҳоятда муҳим.

Мамлакатимизда барча миллат ва элат вакилларининг тинч-тотув ҳамда бир мақсад йўлида яшаб, меҳнат қилиши учун барча шароит ва қулайликлар яратиб берилмоқда. Эътиборлиси, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилаётир. Яқинда янги таҳрирда қабул қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун ҳам ана шу мақсадга қаратилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Акс садо

Унда диний соҳадаги ҳужжатларда қўлланиладиган асосий тушунчалар, яъни диний таълим муассасаси, диний ташкилот, диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи, маҳаллий диний ташкилот, миссионерлик, қонунга хилоф диний фаолият, диний профессионал таълим, прозелитизм каби тушунчаларга таърифлар берилган бўлиб, бу бугунги кунда ниҳоятда долзарб. Агар ҳозирги пайтда юртимизда 2 310 та, шундан 219 та исломий ва 191 та ноисломий диний ташкилот ҳамда 16 та диний конфессия расмий рўйхатга олинганлигини ҳисобга олсак, ушбу ҳужжатнинг қанчалик муҳимлиги ойдинлашади.

Қонун асосида диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тугатиш билан боғлиқ тартиб соддалаштирилди ва муҳим янгиликлар жорий этилди. Хусусан, давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон тизимига ўтиш орқали диний ташкилотларни тузиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тартиби ўрнатилди. Масалан, маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга уни ўз ташаббусига кўра тузаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари имзоларини ўз ичига олган ҳужжат топширилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, диний ташкилотнинг марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасаларини тузиш учун юз нафар ташаббускор бўлиши кераклиги ҳақидаги талаб бекор қилинди. Аҳамиятлиси шундаки, давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ хизматлар инсон омилисиз — электрон шаклда бажарилади. Бундан ташқари, рўйхатдан ўтказувчи адлия идораларига тақдим этиладиган ҳужжатлар қисқартирилди ҳамда уларни кўриб чиқиш муддати 3 ойдан 1 ойга туширилди.

Қонун билан диний таълим мазмуни очиб берилганини ҳам айтиш зарур. Масалан, диний қараш ва таълимотларнинг турлича талқин қилинишига йўл қўймаслик мақсадида "ноқонуний диний фаолият" ҳамда "қонуний диний фаолият" ўртасидаги чегара аниқ белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, "диний таълим" тушунчасига ҳуқуқий жиҳатдан ойдинлик киритилди.

Фуқаролар диний таълим муассасасига қонунчиликка мувофиқ, умумий ўрта, ўрта махсус таълим ёки профессионал таълим олгандан кейин қабул қилиниши ҳамда диний профессионал таълим олган шахслар диний таълим муассасаларида диний фанларни ўқитиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди.

Бугун юртимизда 15 та диний таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 13 таси Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус билим юртлари. Жумладан, 3 та олий, 10 та ўрта махсус ислом билим юртлари ҳисобланади, шундан 2 таси хотин-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси. Шунингдек, Тошкент проваслав ва Тошкент протестант семинариялари ҳам фаолият олиб бормоқда. Янги таҳрирдаги Қонун мазкур диний таълим муассасалари фаолиятида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунда дунёнинг ҳозирги мафкуравий манзарасидан келиб чиқиб, диний омиллардан ғаразли ниятда фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида диний мазмундаги босма, аудио ҳамда видео маҳсулотларни экспертизадан ўтказиш тартиби белгиланди. Эндиликда диний мазмундаги материалларни диншунослик экспертизасининг ижобий хулосасини олгандан кейин тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш мумкин бўлади.

Ҳозир юртимизда диний адабиётлар нашр этадиган 80 дан ортиқ юридик шахслар бўлиб, уларнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги "Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тартибга солиб келинаётган эди. Эндиликда бу юридик шахслар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар диний мавзудаги материалларни тайёрлаш ва тарқатишдан олдин уларни диний экспертизадан ўтказиб олади. Буни тақиқ сифатида тушунмаслик керак. Аксинча, диний мавзудаги тўғри ҳамда нотўғри материаллар қоришиб, ёлғон ва адаштирувчи материаллар кўпайиб кетаётган ҳозирги даврда бундай тўхтам жуда зарур, деб ҳисоблаймиз.

Умуман, мазкур Қонун талаблари мамлакатимизда диний бағрикенглик ғоялари янада кенг қулоч ёзиши учун барча дин ва конфессиялар вакилларини аҳил ҳамда иноқ бўлиб, юртимиз тараққиёти йўлида ҳамжиҳатликда меҳнат қилишига рағбатлантиради.

Фарҳод БОҚИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ЮРТИМИЗДА МАТБУОТГА ЭТИБОР БУГУНГИДАЙ ЮҚОРИ БЎЛМАГАН

Бугун мамлакатимиз, жамиятимиз шиддат билан янгиланмоқда. Янгиланиш барча соҳа ва тармоқларда, барча ҳудудда — шаҳар ва қишлоқларда кўзга яққол ташланаётир. Қисқача айтганда, янги Ўзбекистонда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ислоҳотлар соҳаларда ўз самарасини бера бошлади.

Муносабат

Чиндан ҳам, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис этмоқда. Бу янгиланишлар Ватанимизда олиб борилаётган мислсиз бунёдкорликлар, минглаб қад ростлаётган замонавий уй-жойлар, обод этилаётган қишлоқлар маҳаллалар, йўллар, қурилаётган кўприклар ёхуд қанчадан-қанча ишсиз одамларни ишли қилаётган катта-кичик корхоналар мисолидагина эмас, балки юртдошларимизнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришларда ҳам яққол сезилмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги одамлар ҳам кечаги одамлар эмас.

Бугун жамиятимизда сўз ва матбуот эркинлиги таъминланаётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз фикр-мулоҳазасини оммавий ахборот воситалари (ОАВ)да эркин билдираётгани ёки давлат органлари олдига таклиф ва талабларини бемалол қўя олаётгани — буларнинг барчаси яқин ўтмишимизда ушалмас орзу эди. Шу боис бу имконият қадрини ҳеч бир моддий неъмат билан таққослаб бўлмайди.

Ғурур билан айта оламизки, Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси туфайлигина янги Ўзбекистонда сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик сиёсати кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқда. Шу жиҳатдан Юртбошимизнинг ҳар бир катта-кичик раҳбардан матбуотдан ўзини олиб қочмасликни, эркин ва очиқлик сиёсати асосида иш олиб бориш лозимлигини қайта-қайта уқтираётгани ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, қисқа вақт ичида миллий журналистикамиз буткул ўзгарди, том маънода, янгича нафас олмоқда. Ҳа, матбуот халққа яқинлашди, давлат органлари билан аҳоли ўртасида ҳақиқий кўприк вазифасини ўтамоқда. Очиқроқ айтганда, янги Ўзбекистон журналистикаси дунёга бўй чўзмоқда, дунё бизни танимоқда, тан олмоқда. Том маънода, бу саъй-ҳаракатлар маънавий юксалиш даври, янги Уйғониш, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш даври сифатида олқишланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугун замонавий журналистиканинг умумий табиати ҳам сезиларли даражада ўзгарди: бу жамиятнинг шаффофлашаётгани, аудиториянинг фаоллашганлиги, шахслар фаолияти ва ахборот тезлигининг ўсганлиги билан бевосита боғлиқ.

Унутмаслик лозимки, ахборот асри аталмиш ҳозирги кунда ОАВ нафақат ахборот олиш воситаси, балки ижтимоий қарашларни шакллантирувчи куч сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда.

Маълумки, бугунги аудитория ахборотни тез ва соф ҳолатда қабул қилишни истайди, ОАВнинг давлат ва жамият ўртасида бетараф бўлиши тарафдори. Бу ҳолатлар аудиториянинг лаёқати, хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори ҳамда хулқини шакллантиради. Шу боис ОАВ, хусусан, журналистлар жамият ва кишилар тақдири олдида жавобгарликни ҳис этмоғи лозим. Табиийки, бу ОАВ ҳамда журналистлар олдига катта масъулият юклайди. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг касб байрамимиз муносабати билан йўллаган табригида қайд этилганидек, янги Ўзбекистон журналистикаси учун мазкур соҳада йиллар давомида эришилган энг яхши ютуқ ва анъаналарни сақлаб қолиш, холислик ҳамда ҳаққонийлик принципларига, қонун талабларига қатъий риоя қилиш, фуқаронинг шаъни ва ғурури, унинг ўз мустақил фикрига эга бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, юксак профессионал маҳорат биз учун доимо асосий фаолият мезони бўлиб қолади.

Давлатимиз раҳбарининг соҳамиз бугуни кенг қамровли таҳлил қилинган табриги юртимизда фаолият юритаётган ҳар бир журналист, медиа тузилма, таҳририятлар, ижодий жамоалар учун муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди, десак, хато бўлмайди. Янада қувончлиси, Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолияти билан узвий боғлиқ равишда миллий журналистикамиз келажаги ҳамда равнақини белгиловчи долзарб, ҳаётий вазифалар ҳам белгилаб берилди. Бу эса биз, журналистларга катта куч, илҳом, мустаҳкам ишонч, таъбир жоиз бўлса, мотивация беради.

Шубҳасиз, журналистика ҳам бошқа соҳалар каби заҳматли меҳнатни талаб қилади. Бу меҳнат биринчи галда ҳамиша одамлар дарду ташвишига шерик бўлиш, уларнинг қувончи ва оғриқларини ўзиники деб билишни тақозо этади. Бунинг учун эса бутун ҳаётинг, истеъдодинг, орттирган тажрибангни қоғоз-қалам, сўз ихтиёрига беришинг зарур бўлади. Ҳақиқий журналист ўқишдан, ўрганишдан, қаламни "чархлаш"дан, ўзини ўзи "таҳрир" қилишдан, ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлишдан чарчамаслиги керак. Ана шундагина журналистнинг қадри баландларга кўтарилади, эл-юрт эъзозида бўлади.

Президентимиз табригида миллий журналистикамизни давр тараққиётига мос суръатда янада ривожлантириш, шу билан бирга, унинг олдида турган энг муҳим вазифалар қайд этиб ўтилди. Аввало, илғор малакага эга, дунё медиа бозорида рақобатдош малакали кадрларни тайёрлаш, соҳага бозор иқтисодиёти механизмларини тўлиқ жорий этиш, нашрларнинг мазмун ва жозибадорлигини оширишга энг зарур омиллар сифатида эътибор қаратилди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, уюшмамиз миллий журналистикамиз учун ўта муҳим бўлган йўналишлар барометрларини белгилаш мақсадида ёш журналистлар, блогерлар, ахборот тизимлари ходимлари иштирокида "Миллий журналистика: анъаналар давомийлиги ва замонавийлик" мавзуида илмий-амалий конференция, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида "Ўзбекистон журналистика мактаби: ижодий мерос ва анъаналар", "Жамият ва оммавий ахборот воситалари", "Журналистика одоби" каби мавзуларда давра суҳбатлари ҳамда маҳорат дарслари, ижодий танловлар уюштиришни режалаштирди. Энг муҳими, бу тадбирлар фақат марказда эмас, олис ҳудудларда, соҳамизнинг заҳматкаш қаламкашлари даврасида ҳам ўтказилади. Нафақат маҳаллий мутахассислар, балки соҳанинг хорижлик таниқли экспертлари иштирокида ахборот маконидаги ютуқ ҳамда камчиликларимиз таҳлил қилинади, замонавий шароитлар ва андозалар қиёсий ўрганилади.

Бугун ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун илк қадамлар ташланди. Жумладан, яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, босма ва интернет нашрларининг бош муҳаррирлари, теле-радио каналлар масъуллари, таниқли журналистлар, соҳага кадрларни етиштирувчи олий таълим муассасалари педагоглари ҳамда ёш ижодкорлар иштирокида Президентимиз табригидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган **"Янги Ўзбекистон журналистикаси: замонавий ёндашувлар ва анъаналар давомийлиги"** мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Тадбирда миллий журналистикамиз олдида турган қатор муаммолар ҳамда вазифалар таҳлил қилинди, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Унга кўра, ЎзЖОКУ битирувчи талабаларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш, таҳририятларда ЎзЖОКУ талабалари учун тажрибали устоз журналистларнинг маҳорат мактабларини, "Устоз — шогирд" анъанасини йўлга қўйиш ва шу орқали бўлғуси журналистларнинг ихтисослашувига кўмаклашиш ҳамда маҳорат мактабларини ташкил этган устоз журналистларнинг хизмат ҳақини тўлаб бериш, шунингдек, университет талабалари ва профессор-ўқитувчиларини уюшма муассислигидаги "Ҳуррият" газетасига (юзтагача) обуна қилиш каби вазифаларни ташкилотимиз ўз зиммасига олди.

Зеро, юртимизда ўзига хос "ижод лабораторияси"га, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, айни вақтда сермаҳсул ижод қилаётган фахрий журналистларимиз оз эмас. Масалан, Президентимизнинг Фармони билан шу йил 25 июнь куни "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвони билан тақдирланган "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бош муҳаррири Ўткир Раҳмат, профессор Хуршид Дўстмуҳаммад, тележурналист Қуддус Аъзам, ношир Аҳрор Аҳмедов маҳорат мактабларини ташкил этиш бугунги кун эҳтиёжи, десак, адашмаймиз. Ёки Самарқандда "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бош муҳаррири Фармон Тошев, Фарғонада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "Дўстлик" ордени соҳиби Муҳаммаджон Обидов маҳорат мактабини очиш ҳудудларда ҳам профессионал журналист кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилишига ишонамиз. Зеро, бундай мактабларни ҳар бир таҳририят қошида, ҳар бир вилоят ва туманларда ташкил этиш уюшма олдида турган бирламчи вазифалардан биридир.

Эътироф этиш зарур, сўнгги йилларда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ижод аҳлига катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда, улар фаолиятини бирлаштирган уюшма ҳамда ташкилотлар ишини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни арафасида соҳада меҳнат қилаётган бир гуруҳ ҳамкасбларимизнинг давлатимиз раҳбари томонидан юксак фахрий унвон, орден ҳамда медаллар билан мукофотлангани ана шу заҳматли соҳа вакилларининг, қалам аҳлининг меҳнати юксак қадр топганидан, эъзозланганидан далолатдир.

Тан олиб айтамизки, республикамизда матбуотга бугунгидай юқори даражадаги эътибор, ғамхўрлик бўлмаган. Ўзбек матбуоти эса бугунгидай очиқ ва эркин ҳам бўлган эмас.

Давлатимиз раҳбарининг табригида алоҳида эътироф этилганидек, мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш соддалаштирилгани, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласи доимий эътибор марказида бўлиб келаётгани муҳим қадамлардир. Шу билан бирга, журналистикада йиллар давомида эришилган энг яхши ижодий мерос ҳамда анъаналарни сақлаб қолиш, холислик ва ҳаққонийлик принципларидан чекинмаслик, қонун талабларига қатъий риоя этиш, фуқароларнинг шаъни ҳамда ғурурини, ҳуқуқини ҳурмат қилиш зарурлиги, ўтиш даври билан боғлиқ сабаблар туфайли молиявий аҳволи мураккаб бўлиб қолаётган нашрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бунинг учун тегишли ҳужжатларни қабул қилиш вазифаси кун тартибига қўйилди. **"Таъкидлаб айтаманки, мамлакатимизда демократик янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида давлатимиз ва жамиятимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратилади"**, дейилади табрикда. Бундай кафолат барча журналистларни янада масъулият ва илҳом билан ишлашга даъват этди. Айни чоғда бундай муносабат газета-журналларнинг умри тугади, дея иддао қилаётганларнинг мушоҳадалари ўринсиз эканлигини ҳам кўрсатди.

Давлатимиз раҳбарининг табригида ОАВдаги танқидий чиқишларга вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари орқали тезкор муносабатлар билдириш амалиёти шаклланаётгани, танқидий материалларга жавоб қайтариш кўрсаткичи 2018 йилда 12 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига кўра қарийб 90 фоизга етгани ҳақидаги фикрлари ҳам юқоридаги сингари мулоҳазаларнинг ўринсизлигини билдиради.

Ахир матбуотнинг жамият манфаатлари, халқ дарду истаклари билан боғлиқ таклиф ва мулоҳазалари эътиборсиз қолмаслиги керак. Афсуски, кейинги вақтларда айрим жойларда давлат идоралари ёки ташкилотлар вакиллари томонидан ҳамкасбларимизнинг ўз хизмат вазифасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишга уриниш ҳоллари учраётгани ҳам бор гап. Бу ОАВнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш, журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилишни кучайтириш бугун ҳам долзарб вазифа бўлиб турганидан далолатдир.

Албатта, соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Бу айниқса, кўпинча юксак профессионаллик, билим ва малака даражаси етишмаслигида яққол намоён бўлмоқда. Тарқатилаётган айрим материалларнинг пухта ҳамда сифатли тайёрланмаслиги, баъзи ҳолларда шошмашошарлик билан, чуқур ўрганилмаган маълумотларнинг тарқатиб юборилиши сингари ҳоллар ўқувчиларнинг ҳақли эътирозларини келтириб чиқараётгани ҳам сир эмас.

Муаммонинг сабаб ҳамда ечимини излаб, шаҳар ва туман нашрлари таҳририятларини ўрганганимизда, ҳатто айрим нашрларнинг бош муҳаррирлари журналистлик маълумотга эга бўлмаган шахслар экани ойдинлашди. Мана шу жиҳатларни ҳам келгусида атрофлича кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ҳамда зарур чора-тадбир белгилаш эҳтиёжи туғилмоқда.

Шундай экан, энг биринчи галдаги вазифамиз — Президентимиз ишонч билдираётган соҳа ривожини таъминлаш, ҳар бир ҳамкасбимизни қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг эртаси янада ёруғ ва бахтли бўлиши йўлида сидқидилдан хизмат қилишдан ортиқ бахт йўқдир.

Ана шу йўлда ҳар бир фикр, таклиф ҳамда ташаббусга эътибор қаратишимиз бугунги куннинг талабидир. Шу боис ҳам уюшмага раис этиб сайланган кунимнинг эртасигаёқ "Telegram" ижтимоий тармоғида мурожаат ботини, яъни уюшма раисига масофадан туриб тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконини берадиган электрон манзил ташкил қилдик ва қисқа фурсат ичида унга мингга яқин мурожаатлар келиб тушди. Мурожаатларни таҳлил этганимизда янада яққолроқ кўриндики, уюшма олдида ҳали жуда ҳам кўп масалаларни ҳал этиш турибди. Бу борада "Дўстлик клуби" ҳамкорларимиз билан қилинажак ишларни режалаштиряпмиз.

Уюшма фаолиятидаги яна бир муҳим вазифа — халқаро алоқалар доирасидаги ишларни янги поғонага олиб чиқиш ҳисобланади. Афсуски, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан бу йўналишда мақтангулик бирор иш амалга оширилмади. Илғор хорижий давлатлар таҳририятларига ўзаро тажриба алмашиш учун ижодий сафарлар, халқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил этилмади.

Шу боис истиқболда фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири сифатида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишни мақсад қилганмиз. Шу йил сўнггига қадар имкон даражасида Тожикистон, Туркия, Қозоғистон давлатлари журналистлар уюшмаси билан ҳамкорлик меморандумини тузиш ҳамда Умумжаҳон журналистлар федерациясига аъзо бўлиш ниятидамиз. Ушбу мамлакатларга тажриба алмашиш ва таҳририятлар шароитлари билан танишиш учун бир гуруҳ журналистларни хизмат сафарларига юборишни мақсад қилганмиз.

Юртбошимиз матбуотнинг, сўз эркинлигининг ҳаётий эҳтиёж эканлигини бежиз қайта-қайта уқтирмаяпти. Чунки қайсики жамиятда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ишончли минбарга айланса, ривожланса, ўша жамиятнинг эртаси ёруғ, демократик қадриятлар қарор топган бўлади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2021 йил 14 июль

ЁШЛАР — КЕЛАЖАК «ДРАЙВЕРЛАРИ»

УЛАРДА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА.

1

Ушбу самимий сўзлар замирида навқирон авлодга бўлган юксак ишонч мужассамдир. Бинобарин, мамлакатимизнинг бугунги жўшқин ижтимоий-иқтисодий юксалишларига мос, ахборот муҳитида муносиб ўрнига эга ва замонавий фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш пировард мақсаддир.

Давлатимиз раҳбари шу бўйича қатор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, ҳар ўқув йили якуни билан битирувчилар бандлигини таъминлашга оид дастурлар қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилади. Қолаверса, олий маълумот талаб этадиган касб ва лавозимлар қайта кўриб чиқилади ҳамда уларнинг камида 150 таси бўйича бундай талаб бекор қилинади. Ўз навбатида, мактаб битирувчисига аттестат беришда камида битта касб ёки ҳунарни эгаллаш мажбурий қоида бўлади.

Йигит-қизларга пахта ва ғалладан қисқарадиган майдонларда озиқ-овқат экинлари етиштириш учун ерларни 10 йил муддатга ижарага бериш тизими йўлга қўйилиши, вилоятларда ёшлар технопарклари барпо этилиши, энг яхши стартап лойиҳаларини молиялаштиришга бюджетдан 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши, таълим кредити имтиёзли шартларда 7 йил муддатга, Марказий банкнинг асосий ставкасида, яъни жорий йилда 14 фоиз ставкада ажратилиши, “темир дафтар”га киритилган оилаларнинг фарзандларига, олийгоҳдаги ўқишнинг биринчи йили учун шартнома тўловини бюджетдан тўлаб бериш тартиби жорий этилиши, республика бўйича мактабларда қўшимча 5 мингта компьютер синфи ташкил қилиниши, “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” танловини ўтказиш йўлга қўйилиши ҳам шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, бугун Ўзбекистонда ўсмирлар тарбияси, уларни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун шароит яратиш энг асосий миссияга айланган.

Айниқса, бугунги глобаллашув жараёнлари пандемия билан аралашиб кетган мураккаб даврда бу нафақат бир мамлакат миқёсида, балки бутун жаҳонда ниҳоятда долзарб вазифадир.

Зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш керак

Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида таъкидлаганидек: *“Бугунги дунё ёшлари — сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.*

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”.

Мамлакатимиз томонидан таклиф этилган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси унга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қабул қилиниши бежиз эмас.

Албатта, дунё ёшлари фаолияти ва ижоди тўғрисида кўплаб ижобий мисоллар келтириш мумкин. Улар фан ҳамда техника, ижод, санъат ва спортнинг барча турида қўлга киритаётган натижалар, албатта, қувонарли. Ушбу ижобий ҳолатлар ҳамда воқеликларда янги Ўзбекистоннинг ўғил-қизлари ҳам фаол иштирок этаётганини эса алоҳида мамнуният билан қайд этишга тўла ҳақлимиз. Лекин...

Мазкур ютуқлар баробарида, ёшлар тарбиясида ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини тан олишимиз керак. Ўзи ва ўзгаларнинг тақдири, келажагига бефарқлик, шафқатсизлик, ялқовлик, ҳалол меҳнатдан бўйин товлаш, ахлоқсизлик, енгил-елпи ҳамда бошқалар ҳисобига кун кечириш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўғрилик, жиноятчи гуруҳлар, экстремистлар ва террорчилар таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари, афсуски, ҳамон учраяпти.

Бу эса бошқа иллатларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Давлат раҳбари ҳам яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган хунук воқеалар, яъни жойлардаги Алишер Навоий, Амир Темур, Мотамсаро она ҳайкаллари ёнида айрим тарбиясиз ёшлар томонидан содир этилган номаъқул ҳаракатлардан ниҳоятда ранжиганини айтди.

“Бу болаларнинг ота-онаси, бобо-момолари, ўқитувчи ва муаллимлари, қолаверса, маҳалла-кўй, ёшлар билан ишлайдиган масъул мутасаддилар қаерга қараяпти?

Ватанимиз ёшларига мутлақо ярашмайдиган, барчамизга иснод келтирадиган бундай салбий кўринишларга жамиятимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги зарур. Керак бўлса, биз халқимизнинг муқаддас қадриятлари, тимсоллари ва табаррук қадамжоларига беписанд муносабатда бўладиган кимсаларга нисбатан жазо чораларини янада кучайтирамиз. Бундай бузғунчи ишларнинг олдини бугун олмасак, эртага кеч бўлади”, дея қуюниб гапирди Президент.

Интернет манбами ёки «ўчоқ»?

Бу иллатлар жамиятнинг айнан навқирон ёшдаги аъзоларини ўз домига тортаётгани барчамизни, айниқса, биз, зиёлиларни ташвишга солади. Аслида илм ўрганиш, маълумот олиш учун қулай восита бўлган интернет ҳам баъзида хавф-хатар ўчоғига айланиб бораётгани айни ҳақиқат.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ўғил-қизларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилмоқда. Фойдаланилаётган ахборот воситаларининг катта қисми, асосан, “Tik-Tok”, “Twitter”, “Instagram”, “Facebook”, “Одноклассники” каби ижтимоий тармоқлар, видео, аудио порталларга тўғри келади. Мутахассисларнинг айтишича, уларнинг маълум бир қисмигина зарарли таъсир этмайдиган, илмий, маданий ва маърифий сайтлардан иборатдир.

Шундай экан, ёшлар маънавиятини турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан холис ҳамда мустақил фикрга эга бўлиши, тўғри ва мақбул хулоса чиқара олиш салоҳиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини оширишдир.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ҳозирги кунда айрим ёшларнинг бузғунчи ғояларнинг орқасидан кўр-кўрона эргашиши сабабларидан бири — мантиқий тафаккурнинг шакланмаганлигидандир. Инсонда болаликдан мантиқий тафаккур шакланмас экан, ўзга ғоялар таъсирига берилиш, мазкур ғояларни етарлича таҳлил қила олмаслик, ёнатрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқлиги ортиб бораверади.

Шунингдек, инсонда инновацион ғояларнинг юзага келиши, авваламбор, унинг мантиқий фикрлаши натижасида амалга ошади.

Энг паст балл — танқидий фикрлашдан

Президент ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш учун топшириладиган синовларда танқидий фикрлашдан саволлар қўйилган. Ваҳоланки, ҳозирги кунда ўтказилаётган таҳлилий тест натижаларига кўра, энг паст баллни айнан танқидий фикрлашдан қўйилган саволлардан олишаётгани мантиқ фанини боғча, мактабдан бошлаб ўқитиш заруратини келтириб чиқаради.

Сабаби болаларда ўқиётган фанлардан мавзуларни кўр-кўрона ёдлаб олиш билан чекланиб, мағзини чақиш, фаннинг, мавзунинг моҳиятини англамаслик ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Бундай ҳолатда инновацион фикрлайдиган ўсмирлар камайиб бораверади.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда бошқа давлатларга нисбатан мамлакатимиздаги мактаб ёшидаги болаларда ихтироларнинг камлиги уларнинг мантиқий фикрлашининг пастлиги билан боғлаш мумкин.

Ёшларда маънавиятни шакллантирадиган муҳим омиллардан яна бири — бу таълим-тарбия тизимидир. Илму маърифатга, таълим-тарбияга инсон камолоти, миллат равнақининг асосий шарти, деб қараш лозим. Бу мезонлар Конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган.

Шулар асосида ҳаётга беш муҳим ташаббус татбиқ этилди. Уларнинг доирасида умидли ёшларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқ ва муваффақиятлари оммалаштириляпти, истиқболли ғоялари рўёбга чиқарилмоқда. Айни чоғда ўқувчи-талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш орқали таълим ҳамда тарбиянинг самарали интеграциясини яратишга алоҳида эътибор берилаётир.

Гуманитар фанларни замон талабларига мослаштириш зарур

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун таълим-тарбияга хизмат қиладиган муҳим воситалар — интернет, матбуот, телевидение, кино, театр, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъати, умуман олганда, инсон қалби ҳамда тафаккурига бевосита таъсир ўтказа оладиган барча соҳани янги сифат босқичига кўтариш зарур бўлади.

Бу борадаги мавжуд катта-кичик камчиликлар ва нуқсонларга тез-ликда барҳам бериш, мазкур салбий ҳолатлардан қутулишнинг аниқ механизмларини яратиш даркор. Хусусан, мамлакатимизда ўсмирлар маънавий тарбиясида фалсафий, ижтимоий, сиёсий ва гуманитар фанларнинг аҳамияти беқиёс. Шундай экан, ушбу фанлар вакиллари ўзларининг ўта масъулиятли вазифаларини бугунги кун талаби даражасида бажаришлари жоиз.

Қолаверса, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, адабиётлар ҳамда мутахассисларнинг савиясини ҳам ошириш талаб этилади.

Шулар билан бир қаторда, илмий тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини таъминлаш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.

Зотан, илм-фан иқтисодиётнинг барча тармоғи тараққиётида катта ўрин тутади. Ҳар қандай давлат бу йўлда, аввало, олимларга суянади.

> *Ёшларда маънавиятни шакллантирадиган муҳим омиллардан яна бири — бу таълим-тарбия тизимидир. Илму маърифатга, таълим-тарбияга инсон камолоти, миллат равнақининг асосий шарти, деб қараш лозим. Бу мезонлар Конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган.*
> *Шулар асосида ҳаётга беш муҳим ташаббус татбиқ этилди. Уларнинг доирасида умидли ёшларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқ ва муваффақиятлари оммалаштириляпти, истиқболли ғоялари рўёбга чиқарилмоқда.*

Пропорционал ҳақиқат

Қувонарлиси, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини навқирон авлод ташкил этади ва бунга пропорционал тарзда ёш олимлар ҳам кўпайиб бормоқда. Умуман олганда, йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, изланувчан навқирон мутахассислар сонини янада ошириш, уларнинг илмий тадқиқот ишларини олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани бежиз эмас.

Президент ўз лавозимига киришгандан сўнг биринчилардан бўлиб, аниқроғи, 2016 йил 30 декабрда бир гуруҳ илмий жамоатчилик вакиллари, академиклар, профессор-олимлар билан учрашган эди. Мулоқотда республикамиз илм-фани, таълим тизимининг бугунги ҳолати ва эртанги келажаги билан боғлиқ кўплаб масалалар кўтарилганди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатда фундаментал ва академик фанни ривожлантириш соҳасига истиқболли кадрларни янада кўпроқ жалб этиш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Олий таълим ва фан интеграциясини кенгайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда академик илмий кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига эришиш, уларнинг олий таълим муассасалари ўқув жараёнидаги иштирокини таъминлаш, иқтидорли ёшларни илмий тадқиқот ҳамда инновацион фаолиятга кенг жалб этиш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳам шундан далолат беради.

Шу мақсадда мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси билан ҳамкорликда ўқув-илмий комплекс ва марказлар фаолиятини ташкил этиш модели яратилди. Давлат раҳбарининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши бу борада катта қадам бўлди.

Янгича модуллардан фойдаланиш — давр талаби

Ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари жорий қилиниши, сиртқи ҳамда кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг кўпайтирилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислоҳотлар ҳисобланади. Шунга яраша, олий таълим муассасалари ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда фаол иштирок этяпти.

Масалан, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмоқда. Шу орқали ёшлар билан ишлашда мутлақо янги, илгари мавжуд бўлмаган механизмлар ҳамда услублардан фойдаланишга ҳаракат қилинаётир.

Навқирон авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда ижодкорлик, креативлик қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилаётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Жумладан, “MODUL 5” лойиҳаси доирасида қатор ютуқларга эришган йигит-қизлар маҳорат маърузалари қилишяпти ва тенгдошлари билан ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — ёшларни руҳлантириш, янги мақсадлар сари илҳомлантиришдан иборат.

Ҳақиқий матонат ва мотивация эгалари

Кези келганда айтиш жоизки, жисмоний имконияти чекланган, аммо умидлари катта, улкан мақсадларни кўзлаган, ҳатто юқори натижаларга эришиб келаётган ёшлар ҳам бошқаларга кўп жиҳатдан ўрнак бўла олади.

Шу боис уларнинг ҳаёт йўллари ёритиб келинаётган лойиҳалардан бири — “Чегарасиз” номи остидаги мотивацион видеороликларни янада кўпайтириш лозим. Чунки бу каби лойиҳалар ўғил-қизларимизнинг ўз олдиларига улкан мақсадлар қўйишига, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, уларда етакчилик, ижодкорлик, инновациялар борасида малака ва кўникмалар ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқимиз, аввало, ёшларимиз маънавий оламини кучайтириш ва дахлсизлигини асраш учун доимо сергак, огоҳ ҳамда ҳушёр бўлишимиз, таҳдидларга қарши чуқур ўйланган, илмий услубга асосланган ва узлуксиз давом этадиган маънавий тарбияни олиб бориш давр талабидир.

Зеро, мана шундай муҳим омиллар асосида ёшлар том маънода учинчи Ренессанснинг келажак “драйверлари”га айланишади.

Муҳиддин ПЎЛАТОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегиясини амалиётга татбиқ этиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган “2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегияси”ни (Миллий стратегия) тасдиқлади.

Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш бўйича миллий стратегия тасдиқланди

Ушбу ҳужжат Халқаро молия корпорациясининг мамлакатда молиявий саводхонлик ва молиявий оммабоплик даражасини комплекс ҳамда холисона баҳолаш мақсадида аҳоли билан ўтказган сўровномаси натижаларини инобатга олган ҳолда Жаҳон банки экспертлари кўмагида тайёрланган.

Ундан кўзланган асосий мақсад, аҳолининг барча қатлами, шу жумладан, етарли даражада молиявий хизматлар билан қамраб олинмаган кам даромадга эга, қишлоқларда истиқомат қилаётган фуқаролар ҳамда кичик бизнес субъектлари учун сифатли молиявий маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган динамик, инновацион ҳамда инклюзив молия тизимини яратишдан иборат.

Марғилонда ўтказилган суд-ҳуқуқ масалалари бўйича сайёр қабулда қандай масалалар кўрилди?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, ИИВ, Давлат божхона қўмитаси ҳамда Президент Халқ қабулхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур қабулда Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, шунингдек, Тошлоқ ва Фарғона туманлари фуқаролари суд-ҳуқуқ масалалари юзасидан мутасаддиларга тўғридан-тўғри мурожаат қилди.

Мурожаатларнинг асосий қисмини фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, суд қарорларидан норозилик, белгиланган жазоларни енгиллаштириш, қарздорликни ундириш, уй-жой ва мерос масалалари ташкил этди.

Қабул якунига қадар 352 нафар фуқаронинг жиноий, маъмурий, фуқаролик, иқтисодий ҳамда оммавий муносабатлар бўйича мурожаатлари кўриб чиқилди. Уларнинг 258 таси жойида ҳал этилди.

Шунингдек, 81 нафар судланувчи муддатидан олдин шартли равишда озод этилди, 1 нафар шахсга нисбатан жиноят иши кўриб чиқилиб, суд залининг ўзида қамоқдан озод қилинди, 19 та тадбиркорлик субъекти ўз ихтиёри билан моддий зарарнинг ўрнини қоплаганлиги учун уларга нисбатан қўзғатилган маъмурий иш тугатилди, 22 фуқарога алимент ундириш ҳақидаги суд буйруқлари чиқарилиб, ижрога қаратилди, 14 та ҳолатда судлар томонидан юридик аҳамиятга эга бўлган факт белгиланиши натижасида уларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ ҳуқуқлари тикланди, 8 та ҳолатда ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар билан суҳбат ўтказилиб, натижасига кўра уларни яраштиришга эришилди, 81 ҳолатда фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар сайёр суд мажлисида кўриб чиқилиб, низолар ҳал этилди, 4 нафар тадбиркорлик субъектининг жами 145 миллион сўмлик дебитор қарздорликни ундириш ҳақидаги даъво аризалари сайёр суд мажлисида даъвогар фойдасига ҳал этилди, 28 та шикоят бўйича суд қарорлари иқроси тўхтатилди.

Каттақўрғон янада обод масканга айланади

Айни пайтда юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида ҳам бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда.

Шу пайтгача 33 миллиард сўм маблағ эвазига тумандаги 41 маҳаллада 48,4 километр йўл асфальт қилинди ва 97 километр йўлга шағал ётқизилди. Қолаверса, бу йил Пайшанба — Каттақўрғон автомобиль йўлининг Муллакўрпа маҳалласи ҳудудидан ўтувчи Қорадарё дарёси кўпригини реконструкция қилиш режалаштирилган. 28 та маҳалланинг электр энергия таъминоти сифатини яхшилаш мақсадида 55,2 километрлик электр тармоқларини таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш, 761 дона темир-бетон таянч устуни, 15 дона янги трансформатор ўрнатиш ишлари кўзда тутилиб, бу ишлар давом этмоқда. Шунингдек, 4 та маҳаллада 1900 метр газ тармоқлар реконструкция қилинади. 13 та маҳалла аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 12 та сув иншооти ва 85 километр сув тармоқларини тортиш учун 11,2 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Туман аҳолисининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида бу йил Кадан ва Боғот маҳаллаларида учтадан, Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллада битта кўп қаватли уйлар қурилиб, 160 та эҳтиёжманд оила ўз хонадонига эга бўлади.

«Халқ сўзи».

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси биология факультети, Микробиология ва биотехнология кафедраси доценти **Умида ЖЎРАЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 23.45 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6